Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
18 июль
ЧОРШАНБА

№ 58
(11.965)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

Қўшма корхоналарда

## 95,5 ФОИЗИ ЭКСПОРТГА

**Мамлакатимиздаги енгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш жараёнларининг тубдан ислоҳ қилиниши, илғор, замонавий технологиялар билан қайта жиҳозланиши натижаси ўлароқ улар иқтисоди тобора барқарорлашиб бормоқда.**

Ҳиндистонлик инвесторлар билан ҳамкорликда қайта иш бошлаган «SPENTEX TASHKENT TOYTEPA» қўшма корхонаси ҳам қисқа фурсатда ўзини ўнглаб, маҳсулотлари билан нафақат ички, балки ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати сезиларли даражада ортаяпти. Хусусан, ҳозир бу ерда ойига 1500 тонна калава ип тайёрланаётир. Яқин фурсат ичида корхона жамоаси бу кўрсаткични 1600 тоннага етказишни мақсад қилган. Маҳсулотнинг 95,5 фоизи экспорт қилинаётир. Корхона асосан Бельгия, Исроил, Португалия, Туркия, Россия, Ҳиндистон каби давлатлардан буюртмалар олмоқда.

Яна бир эътиборга молик жиҳат – корхонада фойдаланилаётган ускуна ва дастгоҳлар босқичма-босқич тубдан янгиланаётир. Шу йил охиригача хориждан 2,5 миллион АҚШ доллари қийматига тенг бўлган замонавий технологик анжомлар, зарур эҳтиёт қисмлар келтирилиши режалаштирилган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ошиши билан янги иш ўринлари ҳам барпо этилаётир. Айтайлик, ўтган 1 йил ичида корхонада яна 400 нафар маҳаллий аҳоли ишга жойлашди. Ҳозирда бу йирик жамоада 2100 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Яна бир янгилик – корхонада сурп мато ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Цехда 100 га яқин хотин-қизлар доимий иш билан банд. Кунига 8200 погонометр газлама тайёрланаётган цехда маҳсулотга бўлган талаб ва эҳтиёж ортган тақдирда ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 4 баробар ошириш имконияти мавжуд.

**Алишер РАҲМАТОВ.**



СУРАТДА: корхона лаборанти Матлуба Салмонова тайёр хом ашё сифатини кўздан кечирмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**– Бундан 16 йил муқаддам айнан шу пайтда мен қаерда эдим, биласизми?**

**Суҳбатдошимнинг тўсатдан берган саволи кулгимни қистатди.**

Мустақилликнинг 16 йиллигига

## ЮРАКДАГИ ИФТИХОР

– Бунинг нима аҳамияти бор, – дедим унга ҳайрон боқиб.

– Э, аҳамияти катта ука, айниқса менга...

Елка қисдим. Унинг сирли гаплари қизиқишимга олов қалади. У бу ҳолатимни тушунгандай гап бошлади:

– Бундан 16 йил муқаддам июль ойида, чилланинг иссиғида касалхонада оғир аҳволда ётган эдим.

Унинг бу совуқ гапидан бир сесканиб кетдим. У эса бепарво, ўйчан ҳолатда давом этарди.

– Ҳа, ўтган замон жабрини тортиб, «пахта иши» деган қийноқдан касал орттириб, куним касалхоналарда ўтаётган пайт эди.

Августнинг йигирма бешларида соғайиб, уйимга қайтдим. Бир куни телевизор кўриб ётсам, йиғилиш бўлаяпти. Юртбошимиз: Ўзбекистон мустақил бўлди, нега чапак чалмайсизлар, дейди. Мен ҳам залга қўшилиб «нега чапак чалар эканмиз» дебман. Бу биласиз 1991 йил 31 август куни эди. Қаранг-а, эски замон миямизга шунчалик ўрнашиб қолган эканки, мустақиллик нималигига ақлимиз ҳам етмабди. Тўғрисини айтсам, битта менмас, кўпчилик уч-тўрт йил нарибериси мустақилликнинг ҳаётимиздаги ўрнига кўниколмади. Йўқ, биз оми одамлар эмасмиз, ука, эски замоннинг қолипидан чиқиш осон бўлмаган-да... Сал етишмовчилик бўлганида эски замоннинг «хўрозқанди»ни эслаб, ялаб қўйганимиз рост.

Ҳаёт давом этаверарди, бирдан шиддат билан ўзгаришлар бошланди. Ҳали у соҳада янгилик, ҳали бу соҳада бурилиш... Юриш-туришимизда, гапимизда ўзлигимиз бўрта бошлади. Касалим ҳам аригандай бўлди. «Мени ер катта қилган, ер қорнимни тўйғазган, ахир», деб фермер бўлволдим. Ана энди касалга вақт йўқ. Бу орада бирдан тадбиркорлик ҳам кўтарилиб кетди. Кел-э, деб мен ҳам тегирмон қурдим, ёнига новвойхона... хуллас уч-тўрт йилда бойвачча бўлдим.

Охирги ишларни қаранг, мактабларнинг аҳволи ўзингизга маълум, аянчли эди. Энди бўлса, ёш бола бўлиб парталарда ўтиргинг келади, ҳовлисида чопқиллаб юришни қўмсайсан. Одамлар-чи, одамларнинг ҳаммаси ҳаракатда, ким уй қурган, ким тўй қилган, болаларга-ку гап йўқ, ҳаммаси пўрим, ҳаммаси ақлли. Коллежларнинг кўркамлигини айтмайсизми...

Суҳбатдошим ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида завқланиб роса гапирди. Тушундимки, унинг юрагида ифтихор дарахти анча илдиз отиб кетибди.

Мени эса бир савол қийнарди:

– Соғлиғингиз қандай, касал нима бўлди? – дедим охири сабрим чидамай.

– Э, қизиқ экансиз-ку, 16 йилда касал қоладими, Тошкентдаги энг зўр дўхтирларга кўрсатдим, ҳар йили курортларга бордим. Кетди касал қулоғини ушлаб, ҳали-бери қайтмайди, илойим қайтмасин...

Мен завқи баланд, маънили, қувноқ ва руҳи тетик бу одам билан узоқ суҳбатлашдим, меҳнаткаш фарзандлари билан танишдим. У мен билан хайрлашаётганида яна бир тагдор гап қилди.

– Бундан 16 йил муқаддам ҳеч қанақа ўзгариш бўлмаганида нима бўларди?

Мен унинг саволига «жавобини ўзингиз беринг» дедим.

– Йўқ, ўзгариш албатта бўларди, чунки юртга бош бўлиш учун Аллоҳ бизга бир мард ўғлонни юборган эди. Бу неъмат эса менинг умримга насиба бўлиб қўшилди...

Бу ақлли гап мени ҳам тўлқинлантириб юборди, суҳбатдошимни белидан даст кўтариб бағримга босдим.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бўладиган халқаро илмий конференцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлди.**

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН

Унда Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш, исломий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, аллома ва азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлгани алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, ушбу воқеага бағишланган тадбирларнинг энг муҳимларидан бири – жорий йилнинг 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтадиган "Ўзбекистоннинг ислом тамаддуни ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро конференциядир. Унда ўттиздан ортиқ мамлакатдан юздан зиёд таниқли олим, давлат, жамоат ва дин арбобларининг иштирок этиши кутилмоқда.

Ҳозир халқаро анжуманда иштирок этиш истагини билдирган юздан ортиқ ўзбекистонлик ва хорижлик олим ҳамда мутахассиснинг маърузалари нашрга тайёрланди. Конференция доирасида бир қанча янги китоблар, хусусан, "Тошкент – ислом маданияти гавҳари" фотоальбомининг ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида чоп этилиши режалаштирилган.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов иштирок этди.

**ЎзА.**

Муносабат

## ДЕҲҚОННИНГ ТОПГАНИ ХАЛҚНИКИ

**Куни кеча бутун мамлакатимиз бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди. Республикамиз ғаллакорлари етиштирган дон 6 миллион 250 минг тоннадан ошибди. Эътироф этилишича, бундай юқори кўрсаткич мамлакатимизда биринчи марта қайд этилибди. Очиғи, оддий бир заминдор сифатида фермерларимиз эришган улкан меҳнат зафари мени беҳад тўлқинлантирди. Эл-юртимиз хирмонининг бу қадар юксалишида, таъбир жоиз бўлса, халқимиз ризқ-насибаси, нонининг бут бўлишида озми-кўпми ҳиссамиз борлигидан чексиз фахр туйдим.**

Донимизнинг мўллиги, беминнат нонимизнинг борлигини эл-юртимиз учун мустақиллик инъом этган энг бебаҳо бойлик, деб билмоқ жоиз. Шу билан бирга бу муваффақият заминида мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш учун жамики имкониятларнинг ишга солинаётгани, бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида тармоқ истиқболи учун мислсиз имтиёз ва ғамхўрликлар кўрсатилаётгани турибди, десак хато бўлмайди. Бугунги куннинг оддий ҳақиқати шуки, меҳнат қилган одам борки, кам бўлмаяпти, барака топаяпти.

Бунга бу йилги ғалла мавсумида яна бир карра иқрор бўлдик. Жами 53,5 гектар майдонда ғалла етиштириб, қарийб 50 центнердан ҳосил кўтардик. Контрактация шартномасига мувофиқ давлатга 153,8 тонна ғалла сотдик. Ҳосилимизнинг 120 тоннаси ўзимизга қўшимча фойдага қолди. Деҳқон одам бунча доннинг баракаси, салмоғи қанча эканлигини чамалаб олиши қийин эмас. Айтмоқчиманки, уйимиз донга тўлди, меҳнатимиз роҳатини бутун хўжалигимиз аъзолари билан кўрадиган бўлдик.

Баъзан ўйлаб қоламан, илгарилари бунақа гапга биров ишонардими? У вақтлар оддий деҳқон етиштирган донни давлатга эмин-эркин сотиб, қолган қисмини уйига тўкиши, ҳосилнинг ҳақиқий эгаси сифатида уни истаганча тасарруф этиши ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмагандир.

Ана шундай ғамхўрлик, рағбат туфайли ҳам фермер хўжалигимиз йилдан-йилга юксалиб, иқтисодий бақувват, тармоқдан миллионлаб фойда кўтараётган хўжаликлардан бирига айланди. Ўз техникамиз, қилни қирқ ёрадиган омилкор деҳқонларимиз бор, ҳеч нарсадан кам-кўстимиз йўқ. Эларо обрў-эътиборимиз жойида.

Деҳқоннинг бойигани – элнинг бойигани, дейишади. Ҳақ гап. Чунки, деҳқоннинг топган-тутгани халқники. Мамлакат, унинг халқи бой-бадавлат яшар экан, дунё ҳам у билан ҳисоблашиб гаплашадиган бўлади. Бунга Ватанимизнинг халқаро майдонда тутаётган ўрни, нуфузини кўриб ҳам амин бўлиш мумкин.

Аслида бунақа гаплар кўп гапирилаяпти, ёзилаяпти. Кетмонни бир зумга қўйиб, дилимдаги гапларимни газетага етказишга Юртбошимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табриги сабаб бўлди. Унда шундай самимий изҳорлар битилганки, киши кўнглини тоғдек кўтаради, мавсум бўйи чеккан заҳматларинг унутилади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу улкан ютуқнинг қишлоқлардаги янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига таъсири жуда кучли бўлишини, бир сўз билан айтганда, юртимизни янада обод ва фаровон этишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Дарҳақиқат, бебаҳо заминимиздан зар ундириб, топган-тутганимиз билан эл-юрт хирмонини тўлдириб, юрт маъмурчилигига ҳисса қўшаверсак, шаҳар ва қишлоқларимизда кенг қулоч ёяётган меҳр-мурувват, хайру саховат ишларидан четда турмасак, биздан халқимиз рози бўлади, Яратган ҳам деҳқончилигимизга барака ёғдираверади.

**Қаншой РИСМУҲАМЕДОВА,**
**Оққўрғон туманидаги «Қувват» фермер хўжалиги раҳбари.**

## ЭКОФЕСТИВАЛЛАР ЧОРЛАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан «Экосан» халқаро ташкилоти, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси жорий йилнинг июль-август ойларида «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестиваллар марафонини ўтказишни режалаштирдилар.**

Бундан кўзланган асосий мақсад мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилиш, халқ саломатлигини сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилган ютуқ ва натижаларни халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборат.

Куни кеча эса, экофестиваллар марафонининг мақсади, унинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш учун мазкур тадбир ташкилотчилари «Экосан» халқаро ташкилотида матбуот анжуманини ўтказдилар.

## БАЙРАМ СОВҒАСИЗ БЎЛМАЙДИ

**Чиноз тумани Сутбулоқ қишлоғидаги 34-мактаб шу кунларда улкан қурилиш майдонига айланган.**

Мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари таҳсил кўрадиган қисми тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, лаборатория асбоб-ускуналари, компьютерлар билан жиҳозланадиган, маънавият ва маърифат хоналарига эга икки қаватли янги бино тикланди. 210 нафар ўғил-қиз сабоқ оладиган, умумий қиймати 270 миллион сўмлик ушбу иншоот Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

## ҲАМИША АРДОҚДА

**«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида вилоятимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, кекса авлод вакилларига, мўътабар отахону онахонларга бўлган алоҳида эътибор инсонпарварлик тамойилларининг амалдаги ифодасидир.**

Яқинда, Бўстонлиқ туманининг «Товоқсой» сиҳатгоҳида ўтказилган хайрия тадбирида вилоятимизнинг беш юз нафарга яқин кексалари, ардоқли инсонлари иштирок этишди. Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Бўстонлиқ туман ҳокимлиги томонидан ёзилган тўкин дастурхон атрофида қўр тўкиб ўтирган нуроний отахон ва онахонларни Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов, Республика фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоев ва бошқалар ўзларининг энг ёрқин истаклари, эзгу тилаклари билан қутладилар.

– Кексаларнинг фароғати доимий эътиборда бўлишидир, – дейди Абдулла Орипов. – «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг моҳияти ҳам ана шунда. Жойларда ўтказилаётган бу каби тадбирлар халқимизнинг бетакрор қадриятлари, улуғ инсоний фазилатларидан дарак.

Ҳа, нуронийларимизни эъзозлашни фарзандлик бурчи, саодати деб билганлар бисёр.

Шу куни бир гуруҳ таниқли санъаткорлар ҳам табаррук қариялар хизматида бўлиб, уларнинг дуои олқишларидан баҳраманд бўлишди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**





• ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ •

## СУТКАСИГА ЭЛЛИК МИНГ ДОНА

***пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга кичик завод «Ангренғиштқум» масъулияти чекланган жамият таркибида қурилаяпти.***

Таъкидлаш жоизки, сўнгги бир йил ичида ана шундай янги корхоналар ҳисобига Ангренда мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Хитой технологияси асосида ғишт тайёрлашга ихтисослашган мазкур корхона мустақилликнинг 16 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади ва бу ерда юзга яқин киши доимий иш билан таъминланади.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

## МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАНДИ

**Олмалиқдаги 20 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи «Кимёгар» саломатлик мажмуаси «Аммофос» ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти томонидан мукаммал таъмирдан чиқарилди.**

Эндиликда ўзгача кўриниш касб этган мажмуанинг шифохона ва поликлиника бўлимлари учун корхона ҳисобидан бирйўла замонавий тиббий ускуналар ҳам сотиб олинди.

– Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан шаҳримизда кўп ўзгаришлар рўй бермоқда, – дейди меҳнат фахрийси Абуфайз Арслонов. – Корхоналар ўз ҳисобидан шифохоналар, коллежлар ва эл-юртга хизмат қилувчи бошқа бир қатор иншоотлар бунёд этаяптики, буларнинг ҳаммаси аҳоли саломатлиги, турмуш фаровонлигига замин бўлмоқда.

**Мунира ИСАЕВА.**



# «ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРАЙЛИК!»

**«Келажак» оромгоҳида ҳар тонг ижро этиладиган қўшиқ шу сатр билан бошланади.**
**Ўз келажагини ўйлаган, равнақини кўзлаган жамият борки, ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, ўғил-қизларнинг билимдон, маънавий баркамол, жисмоний бақувват, она-Ватанга садоқатли инсонлар бўлиб етишишлари учун ғамхўрлик кўрсатади, ёшлар сиёсатини устувор йўналиш сифатида белгилаб олади. Давлатимиз раҳбарининг фарзандларимиз иқболини кўзловчи саъй-ҳаракатлари туфайли мустақил Ўзбекистонда бугун бу сиёсатни амалга оширишнинг изчил ва тўлақонли тизими вужудга келди. Болаларни ёз ойларида соғломлаштириш ва дам олдириш бу борада ғоят муҳим ўрин тутади.**

Бу жараён ҳамиша давлат идоралари, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхоналар ва бошқа меҳнат жамоаларининг диққат-эътиборида. Касаба ташкилотларининг фаолияти бу муҳим ишда марказлаштирувчи, қовуштирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, уларда маънавий-жисмоний тарбия ишларини ташкил этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссияси йиғилишларида кўриб чиқилаётир, муҳим қарорлар қабул қилиниб, ижроси оғишмай назорат қилинаётир. Чунончи, бу йил Оролбўйи минтақасидан, меҳрибонлик уйларида, кўп болали, кам таъминланган ва ночор оилаларда тарбияланаётган болаларни вилоятимиз оромгоҳларида кўпроқ дам олдириш ва соғломлаштириш белгиланган.

Ҳозир авжи ёз палласи. Оромгоҳларда ҳар бир кун кўнгилли ва мароқли ўтиши болакайларнинг маънавий-жисмоний чиниқишига хизмат қилишини кўзлаб, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмасининг кенгаши, тармоқларнинг касаба идоралари тегишли корхоналар кенг кўламли ташкилий-тайёргарлик ишларини амалга оширдилар. Натижада «Болалар ёзи – 2007» уюшқоқлик билан бошланди. Унинг биринчи навбати мобайнида шаҳардан ташқаридаги хушҳаво масканларда жойлашган оромгоҳларда 3831, мактаблар ва коллежлар бағридаги оромгоҳларда 5222 ўғил-қизимиз мириқиб дам олди.

Шу кунларда оромгоҳларда болаларни соғломлаштиришнинг иккинчи навбати давом этаяпти. Хўш, у қандай ўтаяпти? Умуман, ёзги оромгоҳларда бугунги аҳвол қандай? Олис-яқиндан келган болалар дам олиш кунларини мароқли ўтказишаяптими? Қуйида шу ва бошқа саволларингизга жавоб топасиз, деган умиддамиз.



**Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.**

## БОЛАЛАРГА ШОДЛИК УЛАШИБ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳам бу борада қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ёзги таътил мавсуми давом этаётган айни кунларда жамғарма ва унинг минтақавий филиаллари томонидан республикамизнинг барча ҳудудларидаги оромгоҳлар биринчи тиббий ёрдам воситалари, мультивитаминлар ва бошқа зарур дори-дармонлар билан таъминланаётир. Бундан ташқари, оромгоҳларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда ҳам жамғарма фаоллик кўрсатмоқда.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Ниҳол" болалар оромгоҳида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг касаба уюшмалари қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган анъанавий "Мустаҳкам оила – қудратли Ватан" мавзуидаги IX болалар фестивали ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Болаларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг спортга қизиқишини ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, турли миллат вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил қилинган ушбу фестивалда "Металлург", "Олимпиячи" оромгоҳларида дам олаётган ҳамда Юсуфхона қишлоғида яшовчи болажонлар қатнашди. Тадбир доирасида иштирокчилар ўртасида сув спорти беллашувлари ўтказилди. Ёш санъаткорлар ижросидаги концерт дастури ҳам болаларга бир олам қувонч бағишлади.

Фестиваль сўнгида беллашув ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси бундай тадбирларни республикамизнинг барча вилоятларида ташкил этмоқда.

**ЎзА.**

## РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

- *Вилоятимиз оромгоҳларида бу йил 22350 болани дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.*
- *9636 боланинг ёзги оромгоҳларда бўлиши касаба уюшмалари, ижтимоий суғурта жамғармаси, ота-оналар ва хўжалик идоралари маблағлари ҳисобидан қопланади.*
- *Ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармаси ва ҳомийлар маблағлари ҳисобига 12714 бола дам олдирилиб, соғломлаштирилади.*
- *«Болалар ёзи – 2007»ни ҳар жиҳатдан муваффақиятли ўтказиш учун бу мавсумда қарийб 884 миллион сўм маблағ сарфланмоқда.*
- *Болаларни ёз ойларида дам олдириш ва соғломлаштириш мақсадлари учун 170 миллион сўм ижтимоий суғурта, 62 миллион сўм касаба уюшмалари, 382 миллион сўм хўжалик идоралари ва корхоналар, 131 миллион сўм ҳомийлар маблағи ажратилаётир.*
- *Ота-оналарнинг бадаллари жами сарф-харажатларнинг фақат 25 фоизга яқин қисмини ташкил этади.*
- *Анъанага кўра, вилоятимизнинг хушҳаво, сўлим тоғ ён-бағирларида жойлашган оромгоҳларда 1000 нафар хоразмлик бола имтиёзли дам олдирилаётир.*
- *Ижтимоий ҳимоя йилида меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг 270 тарбияланувчиси, кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг 420 фарзанди имтиёз асосида соғломлаштирилмоқда.*
- *Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг 240 тарбияланувчиси ёзни оромгоҳларда ўтказиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар.*

**Хондайлиқнинг шундай биқинида, катта йўлдан салгина ичкарида ғиштин аркли дарвоза олдида тўхтадик. Унинг пештоқидаги «Ҳумо оромгоҳи» лавҳасини ўқиб, очиғи, кўзларимизга ишонмадик. Чунки, унинг икки-уч йил илгариги ҳолати ҳали ёдимиздан кўтарилмаган эди. Кираверишдаги пастак-пастак биноларда жойлашган кутубхона ҳувиллаб ётар, ётоқхоналар ҳам ҳийла «уриниб» қолганди.**

## ТОТЛИ КУНЛАР ФАЙЗИ

Бугунги аҳвол мутлақо бошқача. Пастак, кўримсиз бинолар ўрнида кенг майдон барпо этилган, рўпарадаги тепаликда қўшқават бино ярқираб турибди. Тўла таъмирланган ётоқхоналар кўзни қувонтиради.

– Барака топишсин, корхонамиз раҳбарлари оромгоҳимизни мавсумга мана шундай кўринишда тайёрлаш учун обдон ҳаракат қилишди, – дейди «Ҳумо»нинг бошлиғи Нафиса Шораҳимова. – Мана шу «Маънавият ва маърифат» марказининг ўзини олинг. Илгари тўгарак машғулотлари муваққат айвонларда, очиқ майдонларда ўтарди. Бугун бу бинода бисер тўқиш, рассомчилик ва кулолчилик, компьютер саводхонлиги, фазошунослик, мусиқа, рақс тўгараклари, видеокинозал ва тренажёр залини алоҳида-алоҳида жойлаштирганмиз. Кутубхонамиз 1500 дона китоб фондига эга.

Оромгоҳ бошлиғининг фахрланиб гапирганича бор. Дарҳақиқат, «Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви «Ҳумо»ни мавсумга тайёрлашга алоҳида эътибор берганлиги шундоққина кўриниб турибди. Шуни айтиш кифояки, таъмирлаш-қурилиш, оромгоҳ моддий базасини бойитиш мақсадларига шу йилнинг ўзида корхона 225 миллион сўм маблағ сарфланди.

«Келажак», «Металлург» «Ёш цементчи», «Зангори олов» ва бошқа оромгоҳларда ҳам тегишли корхоналар томонидан катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу борада «Тошкентпахтасаноат» бирлашмаси бошқаруви қандай ишларни амалга оширгани ҳақида «Келажак» нинг бошлиғи Саида Абдураҳмонова алоҳида бир мамнуният билан сўзлаб берди.

– Оромгоҳимизнинг сафланиш майдонини энди таниёлмайсиз, – дейди суҳбатдошимиз. – Олдинги йиллари бирор тадбир ўтказсак, чанг кўтарилиб кетганидан, болалар бемалол ўйнай олишмасди. Бу мавсум олдидан майдон мутлақо қайта қурилди. Мана, шаклли қуйма таглик терилган, унинг кўринишиёқ дилни қувонтиради. Атрофидаги ўриндиқларни, рангли расмларни айтмайсизми?

Баъзи эскириб қолган бинолар бузиб ташланиб, қисқа муддатда замонавий лойиҳалар асосида қайтадан қурилди. Санитария узели янгидан барпо этилди. Ётоқхоналарда икки қаватли ўймакор ёғоч каравотлар пайдо бўлди. Темир каравотларнинг ҳаммасини мана шундай пишиқ ва нафис ёғоч ётоқлар билан алмаштираяпмиз!

Бошлиқ шундай ишонч ва завқ билан сўзлайдики, келгуси йили бу иш давом эттирилишига асло шубҳа қолмайди.

– Мана булар энг кичик ёшдаги болалар ётоқхоналари, – деди у пастак, бирмунча кўримсиз биноларга ишора қилиб. – Бирлашмамиз бошқаруви уларни бузиб ташлаб, янги, замонавий кўринишдаги ётоқхоналар қуришга қарор қилди. Чамаси, мавсум тугагач, бу ишлар ҳам бошлниб кетади.

Корхона ва ташкилотлар ўз тасарруфларидаги оромгоҳларни ободонлаштириш, биноларни таъмирлаш, янгиларини қуриш билан мунтасил шуғулланишаётир. Буни тасаввур этиш учун шаҳардан ташқари оромгоҳларда деярли 600 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилганлигини айтиш кифоя.

Болаларни соғломлаштириш даражасини кўтаришга қаратилган яна бир тамойил тобора муқим ва салмоқли тус олаяпти. Биз бу ўринда болаларни овқатлантиришдаги ўзгаришларни назарда тутаётирмиз. Бу мавсумда деярли барча корхона ва хўжалик ташкилотлари ўз тасарруфларидаги оромгоҳларда овқатлантириш учун меъёрга қўшимча яна маблағ ажратишмоқда. Улар бир кунлик меъёрнинг ўртача 30-57 фоизини ташкил этаётир. Шу ҳисобдан оромгоҳларда дам олаётган болаларимизнинг дастурхонлари яна ҳам баракали, файзли, тўкин бўлаяпти.

«Кимёгар» оромгоҳида бунга гувоҳ бўлдик. Унинг бошлиғи Бахтиёр Ирисов «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви ва касаба қўмитаси оромгоҳни мавсумга тайёрлаш учун етарли маблағ ажратганлигини алоҳида таъкидлаб, шинам айвонлар, батартиб ётоқхоналар, барча шароитлар муҳайё ошхонани кўз-кўз қилди.

Умуман, бу ёзни 10920 бола шаҳардан ташқари, яна 11430 бола мактаб ва коллеж ҳузуридаги оромгоҳларда ўтказади. Меҳрибонлик уйларининг 270 тарбияланувчиси, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 960 нафар фарзанди йўлланмаларни бепул олди. Болаларни соғломлаштириш мақсадларига ажратилган маблағларнинг асосий қисми касаба уюшмалари, хўжалик идоралари, ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармаси ва ҳомийлар томонидан қопланаётир.













**Шу кунларда ёзги оромгоҳларда бўлсангиз, ҳаяжонли воқеалар, мароқли учрашувлар, қизғин спорт беллашувлари, ҳилма-хил тўгаракларнинг машғулотлари устидан чиқасиз. Касаба қўмиталари, тарбиячи ва етакчилар болалар ҳар бир кунни мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун тинмай изланишяпти.**

**«Ҳумо» ҳаёти билан танишаётганимизда маънавият маркази рўпарасига автобус келиб тўхтади. Ундан тушаётган кекса ёшдаги кишиларни кўриб, очиғи, таажжубландик. Буни сезиб, оромгоҳ бошлиғи Нафиса Шораҳимова шундай деди:**

**– «Ўзбеккимёмаш»нинг нуронийлар хори иштирокчилари келишди.**

**Дарҳақиқат, кўп ўтмай болалар яшил театрга йиғила бошлашди. Анъанавий рус либослари кийиб олган нуроний отахон ва онахонлар саҳнани тўлдиришди. Баяннинг юракларни тўлқинлантирувчи овози янгради. Кексалар мовий денгиз мавжларини эслатувчи халқ қўшиғи «Калинушка»ни ижро эта бошлашди...**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

## КИМГА НИМА ЁҚАДИ?

«Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли Оқтошнинг сўлим бир қисмида жойлашган «Кимёгар» оромгоҳида бўлган кишининг баҳри-дили очилади. Ўз ишини севган, болалар тарбиясига умрини бағишлаган устозлар – тарбиячи Мавжуда Шерова, бош етакчи Татьяна Зорич вақтни, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини шундай режалаштиришганки, бола бирор сония ҳам ўзини эътибордан четда ҳис қилмайди. Дилрабо Бадалова, Зинаида Веденеева, Мухтабар Эргашева, Эдем Аблязимов, Нина Амелина, Гулсара Исмоилова каби тарбиячилар, Равшан, Русалина, Назокат сингари етакчилар ўтказаётган суҳбатлару саёҳатлар болакайларга завқ-шавқ, меҳнатга, ҳаётга, шу азиз юртимизга муҳаббат уйғотмоқда.

«Капалак» ноанъанавий тасвирий санъат тўгарагида фавқулодда қизиқарли, ниҳоятда завқли машғулот устидан чиқдик. Кекса педагог, халқ таълими аълочиси Галина Павловна Колосова Эвелина Баталовага у ясаётган аппликацияни яна ҳам жозибалироқ қилиш учун маслаҳат бериб турган экан.

– Кейинги ўн олти йил Чирчиқдаги 16-болалар боғчасида мудир бўлиб ишладим, – дейди устоз. – Беш йил бурун пенсияни расмийлаштирганимдан буён ҳар ёзни шу оромгоҳда, болакайлар даврасида ўтказаман. Тўгаракда улар турли ўт, навда қирқимлари, қоғоз парчаларидан расмлар, лойдан ўйинчоқлар ясашади.

Болалардан Эркин Йўлдошев ўзи чизган суратни ийманибгина кўрсатди. Унда айиқ қуёш нурида сакраб ўйнаётгани акс эттирилган. Ботир Дасупов лойдан ясаган ғоз, қуй-қўзилар, туялар ҳам бежирим, чиройли. Хоразмдан келиб, дам олаётган Анвар Жуманиёзов қоғоз бўлакларидан худди жонлидек бир акула ясабди. Абдулла Убайдуллаев чизган расмга қараб туриб, олис Хоразм қишлоғидаги бир хонадонни кўз ўнгингда гавдалантирасан, киши.

Хоразмлик болалар билан суҳбатимиз жуда жонли кечди.

– Бу ерда сизларга энг маъқул бўлган нарса нима?

Бу саволимизга Боғот туманидан келиб дам олаётган болаларнинг ҳар бири ўзича жавоб берди:

35-мактаб ўқувчиси Динора Озодова:

– Об-ҳавоси. Табиат қўйнига экскурсияларни бир умр унутмайман.

1-мактаб ўқувчиси Нигора Аҳмедова:

– Бассейнда чўмилиш ёқади. Саёҳатлар қизиқарли ўтаяпти. Дискотека, кинолар мароқли. Овқати ниҳоятда мазали.

18-мактаб ўқувчиси Моҳидил Комилова:

– Бу ерда ҳамма нарса мен учун янгилик. Зерикишга вақт йўқ.

Паркентнинг сўлим бир гўшасида жойлашган «Сумча» оромгоҳида 550 бола соғломлаштирилаётир. Уларнинг асосий қисмини кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ташкил этади. Маънавият хонаси ҳамиша гавжум. Болалар гуруҳ-гуруҳ



бўлиб, бу ерда қизиқарли суҳбатлар тинглашади. Бунинг учун 35 дан зиёд мавзу ишлаб чиқилган. Ўзбекистон, она юртга муҳаббат ва садоқат, қадимий шаҳарларимиз, маданий ёдгорликлар, шахс маънавияти мавзулари уларнинг асосини ташкил этади. Болалар учун мўлжалланган кинолар, мультфильмлар мунтазам намойиш қилинаётир.

«Кимёгар»нинг маънавият хонасида қизғин суҳбат устидан чиқдик. Бош тарбиячи Болалар ҳуқуқлари конвенцияси ҳақидаги ҳикоясини тугатиб, ёш тингловчилардан сўради: «Қани, болалар, ҳуқуқларингизни билиб олдингизми?» «Ҳа!» «Бурчларингизничи?» «Ҳа!» «Улар нималардан иборат». Болалар бирин-кетин жавоб беришди: «Ётоқхонани озода сақлаш!» «Ўринни йиғиб қўйиш». Охирида бир бола бор овози билан: «Сузиб берилган овқатни охиригача еб қўйиш», – деди. Хонани шодон кулги тутиб кетди.

«Ҳумо»да тарбиявий ишлар дастури билан танишаётганимизда бир жиҳат эътиборимизни ўзига тортди. Бу қизиқишимизни илғаб, тарбиячи – Хазорасп туманидаги 1-академик лицей директорининг ўринбосари Роҳатой Кўчқорова шундай деди:

– Кўпчилик болаларимиз биринчи маротаба ўз қишлоқларидан ташқарига чиқишди. Шуни ҳисобга олиб, уларни азиз она юртимиз – Ўзбекистон шаҳарлари, буюк аждодларимиз ҳаёти, адабиёт ва санъатимизнинг таниқли намоёндалари билан таништиришга эътиборни қаратмоқдамиз. «Ўзбекистон – Ватаним маним» туркумида адабий-бадиий кечалар ташкил этдик. Болалар Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида оммавий томошалар тайёрлашди. Иқтидорли болалар билан эстафета ўтказдик. Самошунослик тўгарагининг раҳбари Александр Афанасьев кечқурун соат ўнда болаларга дурбинда ойни кўрсатди, ой юзидаги доғлар ҳақида мароқли ҳикоя қилиб берди...

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган викторина ва расмлар танлови ҳам болаларда катта таассурот қолдирди. «Кўҳна Самарқанд» ва «Самарқанд юлдузчалари» гуруҳларига бўлиниб, тарих, қадим обидалар, алломалар ҳаётига оид билимларини намойиш этишди.

– Танловда дўстлик ғолиб чиқди, – деди қисқагина қилиб бош тарбиячи Умида Хўжахонова. – Болалар кроссвордни ечиб, «Самарқанд» сўзи ҳосил бўлганидаги умумий қувончни айтмайсизми!

– Турли оромгоҳларда ишладим, – деди «Келажак» бошлиғи Саида Абдураҳмонова. – Лекин бу мавсум бизда дам олаётган Чиноз, Бўка, Бекобод, Янгийўл, Оққўрғон туманларининг мактаб ўқувчилари сингари билимга чанқоқ, ҳамма нарсага қизиқувчан болаларга дуч келмагандим. Улар билан ишлаш мароқли. Олтита тўгаракнинг ҳар бирида шуғулланишга қизиқувчилар ниҳоятда кўп. Ҳар тўгарак машғулотларига 60-70 бола қатнашмоқда. Улар «Ўзбекистон» кунида оромгоҳнинг ўз мадҳиясини ҳам ижро этишди. «Сени ҳеч кимга бермаймиз, Ўзбекистон!» бадиий кечасида бир ярим соатлик қўшиқ ва рақс дастури ижро этилди.

Оромгоҳда ҳеч бир кун йўқки, қувноқ спорт мусобақаларисиз, олис-яқин тоғ ораларига походларсиз, табиат қўйнига саёҳатларсиз ўтсин. «Ҳумо» оромгоҳида Хоразмдан келиб дам олаётган 110 боланинг шундай саёҳати кун бўйи давом этди. Жисмоний тарбия бўйича устоз Виктор Кан, тарбиячи Фарида Қурбонова, кузатувчи Роҳатой Қурбонова, шифокор Сайёра Мелибоева ва милиция ходими Тожибой Олимжонов раҳбарлигида тонг саҳарда йўлга чиққан болалар тоғ яйловлари, баланд-баланд тепаликларни ортда қолдириб, «Нилуфар» оромгоҳига кириб боришди. У ерда икки оромгоҳ болалари бир-бирлари билан танишиб, спорт мусобақалари ўтказишди.

Кейин яна йўлга тушишди. Буғдой ўраётган комбайнлар ишини кузатиб, сой бўйлаб узоқ юришди. Шўх, серсув сойни кечиб ўтиш болаларга айниқса хуш ёқди. Улар тошларни ёнма-ён териб, бир-бирларига ёрдам бериб, сойдан ўтишди. Тоғ булоғи бўйида бироз дам олиб, яна сой бўйлаб саёҳатни давом эттиришди. Сув бирмунча сокин оқаётган бир сайҳонликда тошлардан ҳовузчалар ясаб чўмилишди, катта-катта харсанг тошлар устида ётиб, қуёш нурларида тобланишди.

– Саёҳат давомида Бўстонлиқ тоғларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан танишдик, – дейди Янгиариқ туманидаги ихтисослашган мактаб ўқувчиси Бобурбек Жуманиёзов. – Йўл-йўлакай Хоразм қўшиқларини куйлаб бордик.

Эртаси куни оромгоҳ спартакиадасида эса енгил атлетикада Азаматга, гимнастика ўйинларида Муҳайёга тенг келадиганлар топилмади.

«Сумча» болалари стол тенниси билан шуғулланиб, сузиш ҳавзаси, футбол ва волейбол майдонларидаги машқларда чиниқишяпти. Волейбол мусобақаларида Ангрендаги махсус интернатнинг ёш спортчилари ҳамиша ғолиб чиқишяпти. Енгил атлетика бўйича эса, кўпинча Бўкадаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари устунлик қилишаётир.

Шу кунларда «Келажак»ка борсангиз, қизғин спорт машқлари устидан чиқасиз. Болалар умуморомгоҳ спартакиадасига тайёрланишаяпти. Унда вилоятимизнинг турли туманларидан келиб, дам олаётган болалар спортнинг 12 тури бўйича куч синашишади.

– Ҳар навбатнинг тўққизинчи, ўн биринчи кунлари спартакиада ўтказиш яхши бир анъана бўлиб қолган, – дейди шахмат-шашка тўгарагининг раҳбари Алфия Сулаймонова. – Болаларимиз унга зўр иштиёқ билан қатнашишади. Шундай иқтидорли ёш спортчилар борки, улар мусобақаларда икки-уч тур бўйича иштирок этишади.

Олдинги навбатда Достон Абдиев шашка, Шаҳноза Эргашева шахмат бўйича биринчиликни эгаллашди. Элдор Алимов билан Элионора Имомова энг ёш иқтидорли спортчилар деб топилди.

Футбол майдонидаги беллашувларда эса «Алпомиш» гуруҳи спортчиларига тенг келадиган жамоа топилмади. 60 метрга югуришда ўғил болалар орасида Илҳом Эгамов, қиз болалар орасида Заҳро Раҳимова биринчиликни эгаллашди. Сузиш мусобақаларида Раҳим Турдиев билан Аделия Тўхтаровалар ҳаммадан маҳоратли ва чаққон спортчилар эканликларини намойиш қилишди.

– Биринчи ўринларни эгаллаган болаларга эсдалик совғалари топширдик, – дейди оромгоҳ бошлиғи Саида Абдураҳмонова. – Умуман, 31 бола уйига спорт формалари, юмшоқ ўйинчоқлар билан қайтди. «Металлург», «Сумча», «Кимёгар», «Тонг» ва бошқа оромгоҳларда ҳам спорт мусобақалари шундай уюшқоқлик билан ўтаётир. Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот»нинг маҳаллий бўлимлари оромгоҳларга кўпдан кўп спорт анжомлари, махсус формалар совға қилишаяпти. Биргина болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими «Болалар ёзи – 2007» мавсумида бу мақсадлар учун 7,2 миллион сўм маблағ ажратмоқда.

**Саҳифа материалларини Ўзбекистон касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВлар тайёрлашди.**

# ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН

**Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича жойларда фаолият юритаётган банк муассасалари муайян вазифаларни амалга оширмоқда.**

«Халқ банки»нинг Зангиота туман филиали томонидан ўтган вақт давомида қарор ижросини таъминлаш мақсадида чорва моллари харид қилиш учун 33 миллион 24 минг сўм микрокредит ажратилди. Уларнинг 16 миллион 230 минг сўми 18 нафар фуқарога «Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси» орқали имтиёзли маблағлар ҳисобидан берилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 7 нафар фуқаронинг 6 миллион 740 минг сўмлик чорва молларини харид қилиш учун микрокредит олиш юзасидан мурожаатлари қондирилди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

# НОЁБ ТЕХНОЛОГИЯ КЎМАГИДА

**«Қуёш-физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон фанлар академияси таркибидаги йирик тадқиқот марказларидан бири ҳисобланади.**

Паркент туманида жойлашган бу илмий муассаса энг замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Муассасага қуёш нурини йиғувчи гелиотехника қурилма ўрнатилганлигига йигирма йил тўлди. Ўтган вақт мобайнида ушбу мураккаб аппарат ёрдамида самарали тадқиқотлар амалга оширилди. Оксидли керамика негизида ноёб материалларни синтез қилишнинг янги технологияси яратилди.

Шу муносабат билан бирлашмада «Ўзбекистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш» мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Тошкент Ирригация ва мелиорация институти талабалари ҳамда ҳududдаги мактаб ўқувчилари ҳам бу қизиқарли мунозаралардан баҳраманд бўлдилар.

**Али АКБАРОВ.**

## Абитуриент – 2007

**Ҳар қандай бино, иншоотнинг умрбоқийлиги унинг пойдевори нечоғлиқ мустаҳкамлигига боғлиқ. Жамият тараққиёти, Ватан келажагини таъминловчи ёшлар тарбияси, аввало, боғчадан, мактаб остонасидан бошланар экан, бу таълим масканларида ҳар томонлама чуқур билимга эга малакали кадрлар, ўқитувчилар ишлаши керак. Вилоятнинг 890 та мактабларига шундай ўқитувчи-кадрларни етказиб бераётган Тошкент вилоят Давлат педагогика институти яна абитуриентлар билан гавжум.**



# ТАЛАБАЛИК НАСИБ ЭТСИН

Йилдан-йилга ривожланиб, такомиллашиб бораётган таълим тизимидаги ижобий ўзгаришлар туфайли замон талабига мос ўқув юртлари орасида муносиб ўринга эга бу даргоҳда ҳаммаси бўлиб 360 нафар профессор-ўқитувчилар жамоаси самарали меҳнат қилади.

Кейинги йилларда ҳар томонлама кенгайиб, талабалар сони ҳам ортиб бораётган олийгоҳда бу йилги қабул кўрсаткичлари қандай? Институт ўқув бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди Тўлқин Одилов қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Бугунги кунда институтда жами 6937 нафар талабага ўзбек, қозоқ, рус, тожик тилларида таълим берилмоқда. Уларнинг 1874 нафари грант, қолганлари шартнома асосида таҳсил олади. Кундузги бўлимда 4277 нафар, махсус сиртқи бўлимда 1521, сиртқи бўлимда 1056 талаба ўқияпти. Бу йилги битирувчилар, аввало, мактаб, коллежлар учун энг керакли кадрлар ҳисобланади. Таомилга кўра, кундузгида 607, сиртқи ва махсус сиртқи бўлимларни битираётган 1230 дан ортиқ ёш мутахассислар асосан, вилоят мактабларидаги ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириши керак. Бу энди битирувчиларнинг тўғри йўл танлашига боғлиқ. Аммо, давлат маблағига, грант асосида ўқиган битирувчилар камида уч йил мактаб, коллежларда ишлаб бериши шарт.

**– Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг олий таълим муассасаларига 2007-2008 ўқув йили учун қабул кўрсаткичлари ҳақидаги буйруғи эълон қилинган. Ана шу буйруқ ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталсангиз?**

– Ушбу буйруққа асосан кундузги бўлимларга бакалаврлар тайёрлаш бўйича 1240 нафар (475 таси грант, 765 таси шартнома асосида), магистрларни тайёрлаш бўйича 41 та, махсус сиртқи йўналишида бакалаврлар тайёрлаш бўйича 340 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони 5110 нафарга етди. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш бўлимига 1191 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Бу институт бўйича энг кўп натижа ҳисобланади. Шунингдек, Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият бўлимига 625 та, Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари бўлимига 483 та ҳужжат топширилган. Айниқса, аниқ фанларга бўлган қизиқиш яна орта бошлаганлигини таъкидламоқчиман. Физика ва астрономия, кимё ва экология каби бўлимларга ҳам ўтган йилдагига қараганда талабгорлар сони кўпроқ. Бу эса, ёшларимизнинг илм-фанни эгаллашга бўлган интилишлари ортиб бораяпти, дегани. Нима бўлганда ҳам, кучли билим, иқтидор, қатъий ирода эгалари талабалик бахтига эришишлари шубҳасиз.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Сайёра РИХСИЕВА суҳбатлашди.**



**СУРАТЛАРДА:** қабул жараёнидан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Мамлакатимизда хорижий компаниялар сармояси иштирокидаги қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Тошкентда «Baltik Beverages Holding» концернининг йирик лойиҳаси асосида бунёд этилган сифатли пиво ишлаб чиқарувчи «Sarbast Plus» Ўзбекистон-Швеция қўшма корхонаси ўз маҳсулотларини чиқара бошлади.

# ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Яқинда пойтахтдаги Интерконтиненталь меҳмонхонасида шу муносабат билан журналистлар учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда хорижий сармоядорлар ҳамда юртимиз ишбилармонлари мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида «Sarbast» савдо маркасининг тақдимот маросимини ўтказдилар.

– Дунёга машҳур концерннинг яна бир ишончли ҳамкорлик учун айнан Ўзбекистонни танлагани тасодиф эмас, – дейди маросимда сўз олган «Sarbast Plus» қўшма корхонанинг корпоратив алоқалар бўйича директори Фарҳод Ниёзов. – Бу юртимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, айниқса, инвесторлар учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитнинг мавжудлиги, халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлиги билан боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, янги ташкил этилган қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катта бўлиши баробарида, тайёрланаётган маҳсулот сифати юқори андозаларга жавоб беради. Йилига 1 миллион гектолитр, бошқача қилиб айтганда 200 миллион дона 0,5 литр ҳажмли бежирим шиша идишларда пиво ишлаб чиқариш имкониятига эга корхонанинг лойиҳа қиймати 54,2 миллион еврога тенг.

Эътиборли жиҳати сармоядорлар ўз лойиҳаларида маркетинг, маҳсулот айланмаси, савдо муносабатлари билан бир қаторда янги иш билан таъминланган маҳаллий кадрларни ўқитиш ва муттасил малакасини ошириб боришга ҳам салмоқли маблағ йўналтирганлар.

Сифатли маҳсулоти билан ички ва ташқи бозорда ўз харидорларини топишга дадил киришаётган «Sarbast Plus» қўшма корхонасининг расман очилиш маросими мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафаларига режалаштирилган.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## Диққат:

# «ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари вилоятимизда яшаб ижод қилаётган ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий санъат намоёндаларини ва бошқа ижодкорларни иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни тарғиб қилиш, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатиш, ижтимоий ҳаётимиздаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёндаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга даъват этиш мақсадида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий «Энг улуғ ва энг азиз» танловига таклиф этадилар.**

**Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

– Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;

– Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари;

– Тасвирий санъат асарлари.

**Тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб жўнатилиши керак:**

– Муаллиф ва унинг касбий фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– Муаллиф паспортининг нусхаси;

– Иш жойидан тавсиянома;

– Муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.

Ижодий ишлар «Энг улуғ ва энг азиз» танловига 2007 йилнинг 25 июлига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

- Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят бошқармаси.
- Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими.
- Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг вилоят бўлими.
- Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими.

**Телефонлар:** 133-64-95, 144-32-33, 144-35-35.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.


# Тадбиркор ва ишбилармон жаноблар ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диққатига!

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг универсал биржа маркази» МЧЖ кўчар ва кўчмас мулк, товар хом ашё ресурслари бўйича биржа, аукцион ва танлов савдоларини ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг универсал биржа маркази Тошкент вилояти филиалининг очилганлигини маълум қилади. Юқори малакали мутахассислар ҳамда махсус шаҳодатномага эга бўлган брокерлар Сизга ўз хизматларини энг юқори даражада кўрсатишга тайёрдирлар.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй, тел: 138-69-93, 138-69-70. (Мўлжал: «Ўзбекистон банклари ассоциацияси» биноси, «Халқлар Дўстлиги» метро бекати).

**«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг универсал биржа маркази» МЧЖ Тошкент вилояти филиалига хуш келибсиз!**


# КИТОБХОНЛИККА ДАЪВАТ

**Республика болалар кутубхонасида ўтказилган семинар-тренинг вилоятимиз таълим муассасаларида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада яхшилаш масаласига бағишланди.**

Унда вилоятимиздаги шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимлари инспекторлари, мактаб директорлари ҳамда ахборот-ресурс маркази раҳбарлари қатнашиб, ўқувчиларнинг китобхонлигини ошириш юзасидан мунозара юритдилар. Шу билан бирга мактаб кутубхоналарида ахборот-библиографик хизматни ташкил этишда замонавий технологиялардан кенг фойдаланишга оид тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

# ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

**Паркент туманидаги 21-умумтаълим мактаби янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.**

Мактабда олиб борилган бунёдкорлик ишлари «Турон» қурилиш фирмаси томонидан тез ва сифатли амалга оширилди. Иситиш тармоқлари эса, эндиликда табиий газ билан ишлайдиган бўлди.

Янги ташкил этилган компьютер хонаси замонавий электрон воситалари билан таъминланди. Ҳомий ташкилотлар кўмагида физика, кимё ўқув лабораториялари ҳам зарур кўргазмали қуролларга эга бўлди.

Энди 300 нафарга яқин ўғил-қиз янги ўқув йилини барча қулайликларга эга бўлган синфхоналарда бошлайди.

**Акбар АЛИЕВ.**


# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**2007 йил 22 август соат 15.00 да**

**Тошкент вилоятида қуйидаги шаҳар атрофи йўналишларида йўловчи ташиш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер танлови ўтказилади.**

№ 476 й.т. «Тошкент ж.х – Беруний АШБ»
№ 297 авт. «Янгийўл темирйўл вокзали – Фарҳод бозори»
№ 483 й.т. «Тинчлик маҳалласи – Беруний АШБ»
№ 551 й.т. «Халқа йўналиши» (Бўстонлиқ тумани)

**Қуйидаги 5 та йўналишни битта тендер пакети орқали тендерга қўйиш таклифи маъқуллансин:**

№ 497 авт. «Байтқўрғон – Қўйлиқ»
№ 515 й.т. «Яланғоч ғишт заводи – Юнусобод»
№ 391 авт. «Қўйлиқ АШБ – Бўка АШБ»
№ 555 й.т. «Ғиштқўприк – Қуёшли улгуржи бозори»
№ 556 й.т. «Қибрай АШБ – «Дружба» кинотеатри»

**Қуйидаги 4 та йўналишни битта тендер пакети орқали тендерга қўйиш таклифи маъқуллансин:**

№ 415 авт. «Қизилтоғ – Қўйлиқ»
№ 390 авт. «Невич – Қўйлиқ» (Невич томонидан)
№ 316 авт. «Ангрен – Тўйтепа»
№ 310 авт. «Ангрен – Лашкарек»

**Қуйидаги 4 та йўналишни битта тендер пакети орқали тендерга қўйиш таклифи маъқуллансин:**

№ 312 авт. «Ангрен – Кўчбулоқ»
№ 314 авт. «Ангрен – Четсув»
№ 315 авт. «Ангрен – 33 км.»
№ 319 авт. «Ангрен – С.Раҳимов»

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ идораларида ҳисобда турувчи автомобиль транспортлари ҳамда шаҳар атрофида йўловчилар ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли Қарори асосида тузилган Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш ҳамда очиқ тендердан ўтказиш комиссияси.

Тендер таклифлари Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимлиги биноси, 39-хонада қабул қилинади.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар вилоят комиссиясига тендер пакетларини олиш учун вилоят комиссияси махсус ҳисоб рақамига 25 минг сўм маблағ ўтказишлари лозим.

**Маълумот учун телефонлар:** 133-36-22 ва 133-61-93.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар зали.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун 5 кун олдин буюртма беришлари лозим.

Вилоят комиссияси тендер таклифларини 2007 йил 21 август куни соат 17.00 гача қабул қилади.



**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари арзонлаштирилган баҳода такроран қўйилмоқда:**

| № | Савдо объекти номи | Тавсифи | Бошланғич баҳоси | Сақланаётган манзили | Ижро ҳужжати санаси ва рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган** | | | | |
| 1 | "ГАЗ-6605" русумли, д/р 10 U 4951 | 1978 йилда и/ч | 1 065 753,76 | Зангиота тумани, "Гунафша" супермаркети омбори | Зангиота ЖИБ туманлараро судининг 2004 йил 9 сентябрдаги 175-сонли ижро варақаси |
| 2 | "М-67 Урал" русумли, д/р 9747 ТШЕ | 1977 йилда и/ч | 21 923,28 | | Зангиота ФИБ туманлараро судининг 2005 йил 16 апрелдаги 1776-сонли ижро варақаси |
| | **Тошкент вилояти Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган** | | | | |
| 3 | "ВАЗ-21011" русумли, д/р X 796 MLM | 1976 йилда и/ч, тех.носоз | 960 000 | Тошкент тумани, Ҳасанбой ш/х, Ҳасанбой 5-тор кўчаси, "Камол-Уматдош" МЧЖ омбори | Тошкент тумани ЖИБ судининг 2007 йил 23 мартдаги 1014-сонли ижро варақаси |
| 4 | "УАЗ-469" русумли, д/р 11 N 0365 | и/ч йили номаълум, тех.носоз | 195 200 | | Тошкент тумани СИБнинг 2005 йил 17 мартдаги 2292-сонли ижро ҳужжати |
| 5 | "УАЗ-469" русумли, д/р Н 2205 ТШ | 1975 йилда и/ч тех.носоз | 192 000 | | ЖИБ Тошкент тумани судининг 2007 йил 5 февралдаги 31-сонли ижро варақаси |
| 6 | "Камаз-53212" русумли, д/р 12 Е 8364 | 1989 йилда и/ч тех.носоз | 16 000 000 | | ЖИБ Тошкент тумани судининг 2007 йил 23 январдаги 37-сонли ижро варақаси |
| 7 | "УАЗ-2206" русумли, д/р 10 G 9450 | 1974 йилда и/ч тех.носоз | 400 000 | | ЖИБ Тошкент тумани судининг 2006 йил 22 декабрдаги 5578-сонли ижро варақаси |
| 8 | "УАЗ-3303" русумли, д/р 11 J 765 | 1990 йилда и/ч тех.носоз | 250 000 | Тошкент тумани, Келес ш, Миршарипов кўчаси, 28-уй. | Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 11-0617/13255-сонли суд буйруғи |
| 9 | (УАЗ-3303) "УАЗ-452" русумли, д/р 6572 ТШЛ | 1984 йилда и/ч тех.носоз | 250 000 | | |
| 10 | "Тинчлик" кинотеатри биноси | умумий майдони 0,55 га, қур.жой майдони 501 кв.м. | 20 859 000 | Тошкент тумани, Келес шаҳри, Озодлик кўчаси, 7-уй. | М.Улуғбек тумани ФИБ судининг 2006 йил 1 ноябрдаги 1-5990/01-сонли ижро варақаси |

*Аукцион савдолари 2007 йилнинг 7, 14, 21, 28 август ва 4 сентябрь кунлари соат 11.00 да ушбу автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.*

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй.

**Интернетдаги сайтимиз:** www.rkmb.uz

**Лицензия: DB 001 № 000004.**

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

# ФАҚАТ ҒАЛАБА КЕРАК

**Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳридаги Букит Жалил стадионида Осиё чемпионати беллашувларининг "С" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси иккинчи тур учрашувини Малайзия терма жамоасига қарши ўтказди.**

Ўзбекистон миллий терма жамоаси биринчи тур учрашувини гуруҳдаги асосий рақиб – Эрон терма жамоасига қарши ўтказиб, 2:1 ҳисобида имкониятни бой берган эди. Бу сафар Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз аъзолари учрашувни кескин ҳужумлар билан бошладилар ва кўзланган мақсадга эришдилар. Чарм тўпчиларимиз учрашув тизгинини қўлларига олиб ўйинда 5:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионати гуруҳ беллашувларининг "С" гуруҳида Ўзбекистондан ташқари Эрон, Малайзия ҳамда Хитой терма жамоалари ҳам бор. Эрон ва Хитой ўртасида 15 июль куни ўтказилган учрашувда дуранг натижа (2:2) қайд этилди. Ўтказилган икки тур якунига кўра, эронликлар амалда кейинги босқич йўлланмасини ҳал қилиб бўлди. Хитойликлар ҳисобида эса тўрт очко бор. Энди ҳамюртларимиз бугун гуруҳдаги сўнгги учрашувда хитойликларга қарши тўп суради. Ушбу баҳсда вакилларимиз фақат ғалаба қозонишлари керак. Акс ҳолда, кейинги босқичнинг иккинчи йўлланмаси хитойликларга тегади.

**ЎзА.**

**Болаларни спортга жалб қилиш ва уларнинг ёзги таътилларини унумли ўтказиш мақсадида вилоятимизнинг барча туман ва шаҳар маҳаллаларида анъанавий «Футболимиз келажаги» мусобақаси ўтказилмоқда.**

# УЛАР ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Мазкур мусобақанинг 9-10 ёшлилар ўртасида Қибрай тумани марказий ўйингоҳида ўтказилган Тошкент вилояти биринчилиги баҳсларида ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган Чиноз туманининг «Афғон», Бекобод туманининг «Қўштамғали», Қибрай туманининг «Янгиобод», Тошкент туманининг Норхўжа Амин маҳалласи жамоалари ўзаро куч синашишди. Ғоят қизиқарли ва шиддатли учрашувларда биринчи ўринни чинозлик ёшлар, иккинчи ўринни Бекобод тумани, учинчи ўринни Тошкент тумани жамоалари эгаллади.

Шунингдек, Оҳангарон шаҳрида мусобақанинг 11-12 ёшлилар ўртасидаги вилоят биринчилиги ўтказилди. Унда Оҳангарон, Тошкент, Чирчиқ, Чиноз футбол жамоалари майдонда тўп суришди. Қуръа натижасига кўра биринчи бўлиб майдонга Оҳангарон туманининг



«Ўзбекистон» ҳамда Чиноз туманининг «Афғон» маҳаллалари жамоалари майдонда тушишди. Ўйин 4:0 ҳисобида оҳангаронликлар фойдасига ҳал бўлди. Иккинчи ўйин Тошкент туманининг «Гулистон» ҳамда Чирчиқ шаҳрининг «Оппоқ» маҳалласи футболчилари ўртасида кечиб, унда «Гулистон» ёшларининг қўли баланд келди.

Мусобақанинг финал қисми ғоят қизғин тус олди. Унда Оҳангарон ҳамда Тошкент тумани футболчилари учрашишди. Иккала жамоа ҳам фақат ғалаба учун келганликларини ўйин давомида ўзларининг кескин ҳужумлари билан кўрсатишди. Муросасиз кечган баҳсда Тошкент тумани «Гулистон» маҳалласининг ёш футболчиларига омад кулиб боқди ва улар рақиб дарвозасига 2 та тўп киритиб, ўйин тақдирини ҳал этдилар.

Ғолиб жамоа шу йилнинг июль ойида Наманган шаҳрида старт оладиган турнирнинг республика босқичида иштирок этади.

Мусобақа якунида ғолибларга вилоят «Маҳалла» жамғармаси, унинг туман, шаҳар бўлинмалари, вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Ўғилой ЎРАЗОВА,**
**вилоят «Маҳалла» жамғармаси мутахассиси.**

Мозийга нигоҳ

# АЖДОДЛАР ЁДИ МУҚАДДАС

Қадимий Тошкент асрлар давомида маърифат ва маданият марказларидан бири бўлган. Унинг номи давр тақозоси билан Чоч, Шош, Банокат ҳам деб аталган. Тошкент воҳасида туғилиб ўсган табаррук инсонларнинг кўпчилиги аш-Шоший нисбаси билан аталган ва бу ҳолат уларга ғурур бағишлаган. Албатта, бу каби нисба кишиларнинг таваллуд маконига эҳтиром белгиси, ватанпарварлик туйғусининг намунасидир.

## ИБН СИНО ШОГИРДИ

X-XI асрларда Тошкент вилоятининг жанубий қисмида Илоқ дарёси яқинида (ҳозирги Оҳангарон) дунёга келган Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф йирик табиб сифатида танилган. У Тошкент мадрасасида ўқиди, сўнг Бухорода таълим олди, Абу Али ибн Синонинг садоқатли шогирдларидан бири эди. Хоразмнинг Маъмун академиясида хизмат қилди. У ерда табобат соҳасидаги билимини кенгайтирди, бир қанча асарлар ёзди. Уларнинг кўпчилиги бизгача етиб келган. «Илоқийнинг табобот ҳақидаги рисолалар тўплами» ва «Илоқий даво усуллари» китоблари нафақат Мовароуннаҳрда, балки Ҳиндистон, Эрон, Миср, Ливан юртларида ҳам маълум бўлган. Шарафуддин Илоқийнинг «Сабаблар ва белгилар ҳақидаги китоб» асарида турли касалликларнинг келиб чиқиши, сабаблари, уларни аниқлаш ва даволаш усуллари кўрсатилган. Бу асарлар кўп юртларда ўз даврида табиблар учун муҳим қўлланма бўлган. Бу ҳақда бир қанча талқинлар ҳам ёзилган. Хусусан, табиблар Муҳаммад Омулий, Ат-Табризий, Аъзамхон Чаштий юксак баҳо берганлар. Илоқий асарлари қўлёзмалари Байрут ва Александрия, Париж, Санкт-Петербург кутубхоналарида ҳам сақланмоқда.

## БОБУР МЕҲМОНИ

1490 йили вилоятимизнинг Паркент туманида зиёли оилада таваллуд топган аллома Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий – Кўҳакий 95 йил умр кўрган. У болалигидан илмга астойдил интилади, кўп тилларни ўрганиб тарихчи, ҳуқуқшунос ва таржимон бўлиб етишади. Айни пайтда Султон Муҳаммаднинг билими кенг бўлиб у география, этнография, геометрия, математика, фалсафа, мантиқ, фиқҳ, адабиёт соҳаларини ҳам ўзлаштирган эди. Унинг «Эътиқодга оид илмлар ҳақидаги рисола»си бунга далилдир. У «Одоб ва ахлоқ тўғрисида мунозара», «Мунаввар фойдалар» асарларига мазмундор шарҳлар битган.

Кўҳакий Тошкентнинг ҳозирги Сағбон кўчасидаги ўз ҳовлисида шахсий маблағига қурдирган мадраса салобатли ва жозибадор илм маскани бўлган. Аллома ўз мадрасасида илми толиблар, маҳаллий ёшларга дарс берган. Шу билан бирга у Ироқ, Миср, Сурия, Эрон, Афғонистон, Туркия, Ҳиндистонда бўлган. Ҳофиз Кўҳакий ўз замонасининг илмли ва обрўли кишиси сифатида 1528 йили тўй муносабати билан Ҳиндистонга Бобур ҳузурига юборилган ва катта эҳтиром билан кутиб олинган (бу ҳақда «Бобурнома»да ҳам сўз боради). Ҳофиз Тошкандий – Кўҳакий орадан 40 йил ўтгач, 80 ёшида яна Ҳиндистонда бўлади ва Акбаршоҳ томонидан қабул қилинади. У олимлик маҳорати туфайли катта туҳфалар олишга муяссар бўлади.

**ТАТУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ўқитувчилари**
**А. АБДУНАБИЕВ,**
**Ф. ШИРИНОВА**
**тайёрлаганлар.**




Қамбаралининг сумбатини кўрганлар бир сапчиб тушади. Ҳар елкасида уч пуд юкни бемалол кўтара олади. Шу чоққача шифохона қаердалигини билмайди. Касби ўқитувчилик бўлса-да, юмушни танлаб ўтирмайди. Кетмон ишлатса, сопигача ботириб, ер ағдаради. Чўяндек қора, бақувват қўллари ҳар чалғи тортганида қулоч-қулоч жойни қамраб олади.

Шундай одамнинг кейинги бир ой ичида негадир шашти пастроқ. Унинг бундай юришидан хотини Ойсаранинг ҳам ичига чироқ ёқса ёришмайди. Бўйи етиб қолган икки қиз оталари атрофида сассиз куймаланадилар, дамба-дам қайноқ чой дамлаб тутишади. Қамбаралининг эса чиройи очилмайди. Ишга ҳам омонатгина бориб келади. Илгаригидек, халта-халта китоб кўтариб, ўзи билан ўзи бўлиб юриш ҳам кўнглига сиғмай қолган.

Ойсара эридан яширинча дўхтирга йўлиқиб, ундаги ўзгаришни оқизмай-томизмай айтмоқчи бўлди. Пайт пойлаб кексароқ шифокор ҳузурига кирди. У иягини силаб, Ойсаранинг шикоятини тоқат билан тинглагач, сўрайди:

– Эрингизнинг севимли машғулоти нима эди?

– Шу десангиз, китобдан бош кўтармасдилар. Негадир энди ундан ҳам совиб қолдилар.

Дўхтир столни чертиб, ўйга толди. Сўнг бошини бир томонга эгганча тил ёрди:

– Чамаси, у киши муҳаббат дардига гирифтор бўлган. Ҳа, шундай...

– Йўғ-е, нима деяпсиз? Ўғил-қизларимиз бўй етиб қолди-ку! У киши унақа эмас...

– Йўқ, бирор аёлни демоқчи эмасман, – кулиб изоҳ берди дўхтир микти бармоқларини бир-бирига ишқалаганча. – Китобсевар деяпсиз. Шу қаҳрамонларининг бирини яхши кўриб қолган, ёхуд ихлоси қаттиқ сўнган бўлиши мумкин. Бундай пайтда одамнинг кўккисдан ҳамма нарсадан кўнгли қолади. Афтидан эрингиз ҳиссиётга ҳаддан ташқари берилувчан, синглим. Хавотирли жойи йўқ. Ундан қутулиш учун бироз вақт керак, холос.

Аслида, хонадонига совчилар бот-бот кела бошлаганида Қамбарали ҳам ҳамма оталар қатори қувонган эди. Қизларини қанчалик яхши кўрмасин, вақти-соати келиб, уларни узатиш кераклигини биларди. Аммо, қизлик хонадон эшигини таниган-танимаган ҳам очаверар экан. Бирини ундоқ, бирини бундоқ деган важ топилаверганидан Қамбарали талай совчиларни қуруқ қайтарганди. Бир гал иккала қизини бир йўла сўраб келишганида ичи илиди-ю, ўйланиб қолди. Шу боис совчиларга розиликни айтмаса-да, озроқ ройиш билдирган бўлди. Қамбарали меҳмонларга қарата ошкора:

– Бу умр савдоси, биримизни билиб олайлик. Бунинг учун фурсат керак. Ой ўтказиб келсангизлар, – деди.

Совчилар рози бўлиб хайрлашишди.

Иттифоқо бир куни ўқувчиларига уй вазифаси сифатида эркин мавзуда иншо ёзиб келишни тайинлади. Шундан сўнг... синфдошлар орасида ўз ҳиссиётларини баъзида ошкора сездириб қўядиган, ҳатто, таъсирли шеър ёд олаётиб, кўзларидаги ёшни тиёлмайдиган Наргиза исмли қизнинг иншоси Қамбаралининг ҳаловатини ўғирлаб қўйди. Боликнинг беғубор дунёсида ҳали ёлғон урчиб улгурмаган қизча маҳалласидаги воқеани борича қоғозга туширганди. Иншо жўнгина бошланарди:

«Маҳалламиздаги Мовлуда хола – бева. У уч ўғлини бир кўз билан тарбиялаб, вояга етказган. Ҳарна рўзғор кемтикларига ямоқ бўлар деб уйда парранда сақлайди. Иттифоқо бир куни қўшнинининг яқинда болалаган мушуги Мовлуда холанинг жўжаларидан бирини тутиб, болаларига келтиради. Бундан хабар топган хонадон соҳибаси ҳамсоясидан она мушукни тутиб келтиришни талаб қила бошлайди. Сўнг орага қўшни аёл тушади:

– Кечиринг, энди Мовлуда опа, мушукка биз ўргатиб қўйибмизми? Бундан буён қамаб сақлаймиз, – ёлворади Саломатхон опа.

– Йўқ, асло. Бир ўргандими, жўжаларимни энди соғ қўймайди, мушукни олиб чиқинглар, – дея Мовлуда хола оёғини бир этикка тиқиб олади.

Саломатхон опа нима қиларини билмай, ноилож ертўла томон юрди. Саломатхон опанинг қизлари пиқ-пиқ йиғлаганларича қўшни хотин ортидан эргашадилар. Ертўланинг ним қоронғу бурчагида, эски пахта устида олти боласини эмизганича она мушук ҳузурланиб мудрарди. Кутилмаган меҳмоннинг ташрифидан олазарак бўлган она мушук болаларини ҳимоя қилишга ҳам улгурмай, қопга жойланди. Сўнг ... сўнг қопнинг оғзи маҳкам боғланиб, суви мавжланиб оқаётган каналга улоқтирилди. Бу шафқатсизлик Саломатхон опанинг қизлари кўз ўнгида беписанд, жоҳиллик билан амалга оширилди.

– Асли мушугимиздан ҳам гуноҳ ўтган, қизларим. Қанча меҳнат билан парранда боқаётган Мовлуда холаларингни ҳам тушуниш керак. Ҳа, энди бўлари бўлди, бўёғи синди. Ҳар банданинг савоб ва гуноҳ ишларини Аллоҳ тепада кўриб турибди. Ажримини ўзи беради.

Шундан сўнг Мовлуда холанинг жўжалари бирин-кетин йўқола бошлайди. Бу ҳам етмаганидек, хонадонига барака улашиб турган она говмиш бузоқлаш арафасида арқони бўшалиб, канал томон кетади. Сув ичмоқчи бўлиб, каналга қулаб, чўкиб ўлади...»

Иншо шу ерда тугайди. Қамбарали хаёлга берилади: «Дунёда ҳеч бир нарса жавобсиз қолмас эканда. Қайтар дунё деганлари эҳтимол шудир».

Мушуквачаларнинг у дунёда эмас, бу дунёдаёқ, яна орадан кўп вақт ўтмай уволи тутганлигидан ёқа ушлайди.

Таассуфки, ўша Мовлуда хола деганлари борди-ю, Қамбарали изн берса, қизларига қайнона бўлади. У қаҳри қаттиқ аёлнинг яхши она бўлишига кўзи етмай, туну кун ўй ўйлайди.

Бир томонда Ойсаранинг хаёллари ҳам оқ оралай бошлаган сочидай тўзғиб кетган: «Отасиз ўсган йигитларнинг тутуми камроқ бўлади. Уйланиш ёшига етиб ҳам бирор касб-корни эгалламаган, ҳануз онасининг измидан чиқолмаган ўғилларга қизларимизни бериб, кейин аттанглаб қолмасак гўрга эди». Эрига бу ҳақда тил ёришдан ҳайиқади. Ўз навбатида Қамбарали ҳам ичимдан топ, деганча индамайди.

Охири Ойсаранинг сабр-косаси тўлди. Эрининг кўнглига қўл солди:

– Адаси, совчиларга йўқ деб қўяқолсакмикан-а, негадир кўнглим чопмаяпти. Йигитлар бирор ишнинг этагидан тутмаган бўлса...

– Ҳа, – оғир хўрсинди Қамбарали. – Ҳамма ишкал шунда. Бу ёғини сўрасанг, қайнона отлиқнинг қаҳри қаттиқ, деб эшитганим бор. Битта эмас, бир варакайига икки қизимизни сўрашяпти. Бир-бирига эш, қанот бўлар деймиз-у, икковини ҳам ўтда куйдирмасак, деб жоним ҳалак.

– Айтгандай, қизларимизни шаҳарлик касбдошим ўғилларига сўраяпти девдингиз, шекилли. Ойпопукларимиз учиб-қўниб шаҳарга талпинишяпти.

– Э, нодон хотин, улардан астойдил ҳаракат бўлмаса, қизларимни икки қўллаб элтиб бераманми? Гап тамом, қизларимизни шаҳарда ўқитамиз, тўй қилмаймиз.

Шу қисқа суҳбат Ойсаранинг ичини ёриштириб юборди. Оёқ-қўли чаққон бўлиб қолди. Қамбарали ҳам ўйлай-ўйлай ўзини адо қилиб, сўнг қатъий қарорга келди ва кўринмас юк бўлиб, эзиб ётган номатлуб хонадонга қиз бериш фикридан қайтди.

Қамбарали шундагина бундан уч ойлар муқаддам курсдошлар учрашувида яқин сирдоши Султонали вояга етган ўғилларига қишлоқдан, синашта оиладан қиз олиб бериш нияти борлигини шаъма қилгани, гап орасида унга илмоқ ташлаб қўйганлигини эслади. Бу ҳақда у қачон хотинига «гуллаб» қўйганини сира хотирлай олмади...

Ногаҳонда дам олиш куни эрталаб дарвоза ёнига зулукдек тим қора машина келиб тўхтади. Меҳмонларга Қамбаралининг ўзи пешвоз чиқди. Чиқди-ю, кўзларига ишонмай қолди. Шаҳарлик сирдоши Султонали билан Шоҳида сирли жилмайганча машинадан тушиб келардилар. Учовлари ҳам курсдош. Султонали ўқиш адоғида Шоҳидага уйланган эди. Меҳмон Қамбарали билан қучоқлашиб кўришаркан, йўлакдаёқ муддаосини баён қилди:

– Дўстим, мана, Шоҳидабону икковимиз хонадонингизга яхши ният билан қулчиликка келяпмиз. Нима хизмат бўлса, буюраверасиз-да, қўлимиз косову, сочимиз супурги.

Дўстлар бир-бирларини бағриларидан бўшатмай кулишар, Шоҳидабону эса ҳеч вақодан хабарсиз ичкарига чорлаш учун чиққан бир-биридан сулув, дилбар қизларни бағридан қўйиб юбормай, юзларидан ўпар, фақат ҳовли ўртасида Ойсарагина бу ташрифдан бехабар қотганча турарди. У муддаони англагач, у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлиб, шошганча йўлак томон юрди.

**Собиржон ИНОМОВ.**

Бу қизиқ

## ДАРОЗНИНГ НИКОҲ ТЎЙИ

**Дунёдаги энг бўйдор инсон – хитойлик Бао Сишунь уйланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.**



Маълумотларга қараганда, Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган 56 ёшли куёвнинг бўйи 2,36 метрга тенг. Рафиқаси Ся Шуцзюань эса йигирма саккиз ёшда, бўйи – 1,68 метр.


Тошкент Ахборот Технологиялари университети томонидан 2001 йил Аликулов Музаффар Пардаевич номига берилган 043377 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота туманидаги Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан Рискиев Улугбек Батировичга қарашли бўлган бино ва иншоотларга 2003 йил 7 июлда берилган TV 008740 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бўстонлиқ туманидаги Ногиронлар жамиятига тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота туманидаги "TOSHKENT TAOM" агрофирмаси "TOSHKENT TAOM" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 303-79-34 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 18-мактаб томонидан 1998 йилда Каримов Собир Абдуқодирович номига берилган В № 1622190 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ОАЖ "Toshkent lok-bo`yoq zavodi" қўшма корхонасига юқори малакали мутахассислар керак:**

1. *Капитал қурилиш бўлими бошлиғи;*
2. *Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика мутахассиси;*
3. *Электроцех бошлиғи;*
4. *Ходимлар бўлими бошлиғи.*

Мутахассислиги бўйича меҳнат стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.
Резюмени ходимлар бўлимига топширишингиз мумкин.
Мурожаат учун телефон: 68-79-41.
Суҳбат 2007 йил 24 июлда ўтказилади.


# СКАНВОРД




**Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.**


Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ўқув даволаш комплекси томонидан 1999 йилда Абдумуталова Саодат Абдувасиковна номига берилган 313905 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Медавтосервис-Н» хусусий фирмасига қарашли давлат рақами 11 R 9453 Дамас русумли автомобилга берилган АТ № 0204351 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Янгийўл туманидаги 27-умумтаълим мактаби томонидан 1994 йилда Нишоналиева Наргиса Абдуқодировна номига берилган АО № 004650 ўрта маълумотли етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Давлат консерваторияси томонидан 2004 йилда Рахимова Доно Атхамжоновна номига берилган В № 009678 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный патент № 702745, выданный 1 июля 2007 года Хамзинсим районом города Ташкента на имя ЧП "Хайитматова Джахонгира Аҳмадовича",
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Ранее ликвидированная фирма ООО "SHAMSHOD-SAVDO" считается недействительной на основании решения хозяйственного суда № 10-0621/7962 от 15.01.07 г. о возобновлении.

Утерянный документ № 9-85/98 на здание и на землю № 2703376570, выданный обществом деловых людей, находящимся по адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский район, ул. Сайрам, д. 30 "А",
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ДП "CALDT TRADING CORP-TASHKENT" (ОКПО 17763759) реорганизовано в ИП ООО "NAFO PARTNERS".

Претензии принимаются в течение одного месяца по тел.: 133-02-09.



**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

**Муассис:**
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

**Манзилимиз:**
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 3748. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.*

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 2 3 4 5 6